

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**419** Банкларнинг оддий вексели чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари ҳамда унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 7 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 554-2*

*(2012 йил 17 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда) ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда 102-сон билан тасдиқланган «Банкларнинг оддий вексели чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари» (рўйхат рақами 554, 1998 йил 30 ноябрь);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1999 йил 20 февралда 102-1-сон билан тасдиқланган «Банкларнинг оддий вексели чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидаларига ўзгартиришлар» (рўйхат рақами 554-1, 1999 йил 1 апрель).

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 18 август,  
24/3-сон

**Келишилган:**

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

*2012 йил 17 август*